



АМИР ТЕМУРНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭҲТИРОМИ

Тўраева С.Х

Қарши муҳандилик-иқтисодиёт институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада кенгроқ келтирилган парчалар Соҳибқироннинг оддий ва мутлақо бегона аёлга, муштипар Она зотига мансуб аёлга нақадар эътиборда ва эҳтиромда бўлганлигидан гувоҳлик беради. Амир Темурни аёлга, Онага бундай муносабатини унинг даврида боғлар, йирик мажмуа-иншоотлар аёллар номи билан аталганлигидан, фарзандлар тарбиясида аёллар, оналарнинг ўрни бекиёслигига жуда катта аҳамият берганлиги ҳақида фикрлар баён этилади.

Калит сўзлар: Она, инсон, тарбия, маънавият, инсоний фазилат, ҳурмат, ўзликни англаш, давлат арбоби, адолатли ҳукмдор.

Аннотация: Отрывки представленные в статье более широко, свидетельствуют о том, с каким вниманием и почтением сохибқиран относится к простой и совершенно чужой женщине, матери. Выражается мнение, что такое отношение Амира Темурни к женщине, к матери было обусловлено тем, что в его время сады, крупные комплексы-сооружения назывались в честь женщин, а женщины в воспитании детей, матери придавали большое значение некомпетентности своей роли.

Ключевые слова: Мать, человек, воспитание, духовность, добродетельность, уважение, самосознание, государственный деятель, справедливый деятель.



Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб бой ўтмишимиз, шу заминда яшаб ўтган аجدодларимиз - буюк зотларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга кенг йўл очиб берилди ва қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Зеро тарихимизни чуқур ва мукаммал билишимиз, қандай буюкларнинг авлоди эканлигимизни англаш – бу ўз-ўзимизни англашимиздир. Зотан “... қандай буюк зотларнинг авлодимиз, қандай бебаҳо маънавий мероснинг ворисларимиз, деган саволларни олдимизга қўйиб, уларга жавоб бериб яшайдиган бўлсак, ҳеч нарсадан қўрқмасак бўлади. Чунки бундай ишонч ва эътиқод билан яшайдиган халқни ҳеч ким енга олмайди” [1].

Соҳибқирон Амир Темур нафақат Туронзамин, балки бутун дунё буюк зотлари орасида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам унинг шахсини ўрганиш бир неча асрлардан буён тинимсиз давом этиб келмоқда. Европалик темуршунос Жан Поль Ру таъкидлаганидек, “XVI, XVII, XVIII, XIX ва XX асрларда Франция, Италия, Испания, Англия ва Германияда Амир Темурга бўлган қизиқиш ҳайратомуз даражада ортиб кетди”. XXI асрда бу борадаги изланишларнинг салмоғи янада ошиб бормоқда. Бу асарларни ўрганиш Амир Темур шахсини ва фаолиятини чуқурроқ ва теранроқ билиб олиш имконини очиб бериб қолмай, унинг шахсий фазилатларини ҳам янада яққолроқ англаб олишимизга ёрдам беради. И.А.Каримов эътироф этганларидек, “Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир” [2].

Шу маънода нафақат ўзимизнинг, балки дунё олим ва адибларнинг асарларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Рус ёзувчиси Максим Горькийнинг “Она қасидаси” ҳикояси ҳажм жиҳатидан кичик бўлишига қарамай, таржимон З.Исомиддинов таъкидлаганидек, “Амир Темурнинг улуғ фазилатларга эга бўлган,



бекиёс шон қозонган маҳали ҳам оддий одамларнинг дардларини ҳис эта оладиган, шу ҳислатлари билан ўз теварагидаги калондимоғ баъзи шохлару вазирлардан аллақанча поғона юксакда турадиган инсон бўлганлигини ишонарли тарзда кўрсата олган” асарлиги билан ажралиб туради. Таржимон Италиянинг Капри оролида ёзилган “Шарқ мавзуидаги, шарқона рухдаги бу ҳикоя хамиртурушини Горький қайси манбадан олган экан”лигини аниқлаш имкони бўлмаганлигини қайд этиб, “Соҳибқирон нутқиға хос “Мен - Тангрининг кули Темурман” деган ифоданинг 1912 йилда Италияда туриб ўзбек тилида ёзилгани”дан таажжубланади.

Ёзувчи ибораси билан айтганда, “...бутун жаҳонга донғи ёйилган инсон тўғрисида”ги бу ҳикоянинг асосий қисми Самарқанднинг Кониғил водийсида базм қуриб ўтирган вақтида “...қора булутлар аро чакнаган яшиндай бўлиб, мода бургутнинг қичқириғи янглиғ бир аёлнинг чинқирган товуши Боязидни мағлуб этган Соҳибқироннинг динг қулоқларига етиб...” келиши билан бошланади [3].

“Темурбекнинг ким фарёд чекаётгани ҳақидаги сўроғига мулозимлар афтангори чанг, кийимлари пора-пора, ўзи телбасифат бир аёл келгани, арабча сўзлаётгани, дунёнинг ярмини қаламравига киритган подшоҳи аъзамнинг ҳузурига кириш талабида эканини етказишди.

- Олиб кирингиз уни! – деди ҳукмдор.

Зум ўтмай қаршисида бояғи аёл пайдо бўлди, оёқяланг, эғнида ранги ўнгиб кетган жулдур кийим, қоп-қора сочлари очиқ кўксини ёпиб турибди, юзи жездан қуйилган каби, кўзлари эса амирона боқади, Соҳибқирон сари чўзган қорамтир қўллари титрамайди.

- Султон Боязидни мағлуб этган сенмисан? – деб сўради аёл.

- Ҳа, шундай. Мен кўпларни енгдим, аммо ғалабага ҳали тўйганим йўқ. Хўш, ўзинг кимсан, нечун ҳузуримга келдинг, эй аёл?



- Унда эшит! – деди аёл. – Сен неларга эришган бўлсанг ҳам, бир одамсан, холос. Мен эса – Онаман! Сен жон оласан, мен ҳаёт бахш этаман. Сен қошимда гуноҳкорсан, шу сабаб, мана, келдим айбларингни ювмоғинг учун. Айтдиларки, сен “Куч – адолатда!” дер эмишсан, аммо бунга ишонмоғим учун менга адолат қилмоғинг лозим, ахир мен – Онаман!

Подшоҳ хўб доно эди, бу сўзларнинг ортидаги мубҳам маъноларни қалби сезиб:

-Аввал ўтир-да, бир бошдан сўзла, мен эштай, - дея амр этди [3].

Шундан сўнг аёл ўнғай ерга жойлашиб, Салерно шаҳри яқинида яшаганлигини, қароқчилар отаси ва эрини ўлдириб, энди олти ёшга тўлган боласини олиб қочишганини баён қилади ва “Ҳозир у сенинг қўлингда, чунки Боязиднинг аскарлари бояги қароқчиларни тутқун қилган, сен эса Боязидни маҳв этдинг, унга тегишли бисотнинг бари сенинг қўлингда. Сен ўғлим қаерда эканлигини биласан, уни менга қайтариб беришинг лозим!” дейди.

Ҳамма кулиб юборади. “Амир Темур эса ҳайрат ила боқиб туради ва ... савол беради:

- Ҳой хотин, сен қандай қилиб, мен отини ҳам эшитмаган олис мамлакатдан денгизлар ошиб, дарёю тоғларни ортда қолдириб, ўрмонлар оралаб бу ерларга етиб келдинг?...

Аёл Темурбекка боқиб деди:

- Мен фақат бир денгизни ошиб келдим, унда ороллар кўп, балиқчиларнинг қайиғи эса сон-саноксиз экан. Суюклигингни қидирсанг, ҳатто йўловчи шамоллар ҳам сенга кўмаклашади. Денгиз қирғоғида туғилиб-ўсган мендай мунглиғ учун дарёлардан сузиб ўтиш иш бўптими! Тоғлар десанг, мен тоғларни кўрмадим ҳам. ...



Ўрмонларда менга қозик тишли тўнғизлар, силовсинлар, айиқлар, шохи билан ер сузган ваҳимали буқалар учради. Ҳатто икки бор сен каби ўткир нигоҳли қоплонга дуч келдим. Аммо ҳар қандай ҳайвоннинг ҳам юраги бор, мен улар билан худди сен-ла сўзлашгандай сўзлашдим ва улар менинг она эканимга иқроп бўлиб, хўрсиниб-пишқириб, нари кетишди. Улар менга ачинди. Ахир, биласан, ҳайвонлар ҳам боласини суяди, зурриёдининг тирик, озод юрмоғи учун одамлардан кўра кўпроқ курашади.

- Ҳақиқатни сўзладинг, эй аёл! – деди Темур. – менинг билувимга кўра, жониворлар одамларга қараганда кучлироқ севади, боласи учун жонини ҳам аямайди!

- Одамлар бола-да, - дея давом этди аёл. – Чунки ҳар бир аёл юз карра бола, одамлар эса, ҳамиша онасининг фарзанди. Ахир ҳар кимнинг Онаси бор, ҳар бир эркакни қайсидир аёл тукқан, ҳатто сен ҳам, мана шу ёшингда, яхши биласанки, сени аёл ёруғ дунёга келтирган. ... Менга боламни топиб бер, чунки мен унинг онасиман, уни жонимдан ҳам ортиқ яхши кўраман!

Бу сўзлардан сўнг Соҳибқирон Темир Кўрагон, сочлари оқарган бошини қуйи солиб, узоқ ўйга чўмди, сўнг барчага юзланиб:

- Мен, Тангрининг қули Темурбек сўзум! Мана, қошимда бир аёл ўтирибди. Бундай аёллар бисёр, аммо у менинг қалбимда ўзимга ҳам ноаён ҳисларни кўзғотди У мен ила ўз тенги билан сўзлашган каби сўзлашади, у мендан сўрамайди, талаб этади. Шундан сўнг анга боқиб, унинг не сабабдан бу қадар кўркмас экани боисини англадим: у севади, дилидаги муҳаббат боис, фарзанди – ҳаёт учқуни эканини, бу учқундан талай асрларга татигулик олов аланглашини англайди.

Соҳибқирон яна узоқ ўйга толди, сўнг бош кўтариб, фармон берди:

- Мен, Амир Темур Кўрагон сўзум! Дарҳол уч юз нафар отлиқ чопар қаламравимдаги барча музофотларга жўнатилин ва улар мана шу аёлнинг ўғлини



топиб келтирсинлар, бу аёл эса, унга қадар шу ерда кутиб ўтиради, мен ҳам ҳеч ерга жилмай, у билан бирга кутаман хушхабарни; кимда-ким бу аёлнинг ўғлини отига мингаштириб келса, зарга белагайман, Темурбек сўзум! Шундай бўлсинми, эй аёл?

Аёл юзини тўсиб турган сочларини орқага сурди, Темурбекка қараб табассум қилди ва бош ирғиб деди: - Худди шундай, подшоҳим!

Бу сўзни эшитгач, оламни зир титратган қария ўрнидан туриб, бир сўз демай аёлга таъзим қилди, шодлиги ичига сиғмаган шоир Кирмоний эса баёт ўқиди. ...

Аёл табассум қилди, шохлару вазирлар, лашкарбошилару бошқалар – ҳамма болалар эса унга – Онага қараб жилмайдилар.”(ўша манба, 73-75 бетлар).

Ҳикоядаги воқеа руҳини яққолроқ кўрсатиш мақсадида кенгроқ келтирилган парчалар Соҳибқироннинг оддий ва мутлақо бегона аёлга, муштипар Она зотига мансуб аёлга нақадар эътиборда ва эҳтиромда бўлганлигидан гувоҳлик беради. Амир Темурни аёлга, Онага бундай муносабатини унинг даврида боғлар, йирик мажмуа-иншоотлар аёллар номи билан аталганлигидан, фарзандлар тарбиясида аёллар, оналарнинг ўрни беқиёслигига жуда катта аҳамият берганлигидан ҳам билсак бўлади. Юқоридагилар Амир Темур нафақат буюк давлат арбоби, енгилмас саркарда, шаҳару кентларни обод этган қудратли ва адолатни ҳукмдор, балки оддий инсонларни, аёлларни ҳам тинглаб, дардини эшита олган ва уларнинг мушкулларини ҳал қила олган буюк зот эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2015 й.-304 б.



2. Каримов И.А. Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиши маросимида сўзлаган нутқи (1996 йил 18 октябрь), 5 том. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -171-174 бетлар.
3. Горький М. Она қасидаси (таржимон З.Исомиддинов). – “Тафаккур” журнали, 2016, №1. -70-75 бетлар.
4. Рустамов Р. Р., Тураева С. Х. Виды пропаганды, ее цели и задачи //Вестник науки. – 2020. – Т. 5. – №. 11. – С. 58-62.
5. Turaeva Sanobar, GLOBALIZATION PROCESS AND INTEGRATION OF SPIRITUAL-CULTURAL RELATIONS. ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 IMPACT FACTOR: 7.603 Vol 11, Issue 11, 2022, 22-25.
6. Тураева С.Х. ОСОБЕННОСТИ СОЦИАЛИЗАЦИИ ЛИЧНОСТИ В ОБЩЕСТВЕ. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences (E)ISSN:2181-1784 www.oriens.uz SJIF 2023 = 6.131 / ASI Factor = 1.7 3(4/2), April, 2023.720-723.
7. Тураева С.Х. ЗНАЧЕНИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОГО НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ. INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL OF BIRUNI. ISSN (E) 2181-2993 Vol. 2, Issue 3. Nov. (2023) 159-162.
8. Turaeva Sanobar Khalimovna. The Balance of Culture and Civilization. EXCELLENCIA: INTERNATIONAL MULTI-DISCIPLINARY JOURNAL OF EDUCATION. ISSN (E) 2994-9521 Vol. 01, Issue 05. Nov. (2023) 237-242.
9. Тураева С.Х. ШАХС ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ. INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL OF BIRUNI. ISSN (E) 2181-2993 Vol. 2, Issue 4. Dec. (2023), 117-122.